

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.74**

ШОДИЕВА ГУЛНОРА МАРДИЕВНА

**ОИЛА ХЎЖАЛИГИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРНИ ВА СЕРВИСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоклари иқтисодиёти”

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2008

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Илмий маслахатчи:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич

Расмий оппонентлар:

ЎЗР ФА академиги, иқтисод фанлари
, профессор
Саидахрор Саидахмолович

AJ2490

A

Ш 74 Щодиєва, Т. М.

Оила хужалиги фаро-
вонлигини оширишда
ташкилий-иктисодий
омилларни ва сервисни
ривожлантириш музам-
молари: автореф

于 2008

64

ғанлари доктори, профессор
иев Абдулатиф

шанлари доктори, профессор
дөв Мурод Мухамадиевич

Республикаси Банк-молия

сервис институти хузурiddаги
инг бир марталик йигилишида
тиган мажлисида бўлади.

ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗЖЕ

обозначенного здесь срока.

19 уй.

сервис институти

атилди.

Inventor(s)

ИСТКИ

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Мустакил мамлакатимиз юксалиш сари одимлаб бормокда, чунки ҳукуматтимизнинг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш орқали ахолининг, ҳар бир оиласнинг турмуш даражасини юксалтириш, унинг фаровон ҳёт кечиришини таъминлашдан иборатdir. Бу сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Уни ҳал этиш борасида мустакиллик йилларида кенг кўламда чукур ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маърифий ислохотлар амалга оширилди. Булар сезиларли натижаларга эриши имконини берди. Жумладан, XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб республикамиз иқтисодиётидаги узлуксиз юксалиш жараёнлари, иқтисодиётнинг ўсиши рўй берди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 2004 йилда 7,7 фоизга, 2005 йилда 7,0, 2006 йилда 7,3, 2007 йилда 9,5 фоизга ўсади. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда. Саноат ишлаб чиқариш хажми 2004 йилда 9,4 фоизга ўсан бўлса, 2005 йилда 7,3 фоизга, 2006 йилда 10,8 фоизга, 2007 йилда эса ушбу кўрсаткичининг микдорини 12,1 фоизга етди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йилдан-йилга кўпайиш тенденциясига эга. Унинг микдори 2004 йилда 10,1 фоизга ошган бўлса, 2005 йилда 6,2 фоизга, 2006 йилда 6,7 фоизга, 2007 йилда эса 6,1 фоизга ошди. Бундай кўрсаткичларнинг ўсиши истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятини беради. Шу туфайли мамлакатда истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2004 йилда 13,4 фоизга ўсан бўлса, 2005 йилда унинг микдори жадал ўсади, яъни ушбу кўрсаткичининг ўсиши суръати даражаси 17,7 фоизга етди. 2006 йилда ундан ҳам ошиб кетди ва 20,6 фоизни ташкил килди. 2007 йилда 18,8 фоизни ташкил қилди.

Бундай ҳолатлар мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаб, ахолининг реал даромадининг ўсишига олиб келмокда. Мазкур кўрсаткич 2004 йилда 15 фоизга, 2005 йилда 22,0 фоизга ошган бўлса, 2006 йилга келиб 21,0 фоизни ташкил қилди. 2007 йилда эса, ушбу кўрсаткичининг микдори 27 фоиздан кўпроқга ошди.

Ислохотлар натижаси мамлакатимизда мавжуд бўлган барча оиласлар фаррронлигини оширишга олиб келади. Зоро, одамлар ислохотлар учун эмас, балки ислохотлар одамлар учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда (2007 йил 1 январ ҳолатига) мамлакатимизда 26 663,8 минг¹ киши яшайди¹. Оиласларнинг ўртача катталиги 5,1 кишини ташкил қилади². У ҳолда мамлакатимиздаги оиласлар сони 5 228,2 мингтани (26 663,8 : 5,1) ташкил қилади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оиласларий аҳдолида, рўзгор тёбратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий «ўзгаришлар» кўзга

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2006. Статистический сборник. - Т.: Госкомстат Узбекистана, 2007. - 27 бет.

² Инсон тараккиёти тўғрисида маъруза. Узбекистон – 2005. - Т.: БМТнинг тараккиёт дастури, Иқтисодий тадқикотлар маркази. 2005. – 107 бет.

ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табий ҳол»³. Аммо бунга йўл кўйиб бўлмайди. Шу туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оиласи муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албаттa, накадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун факат амалий тадбирларни амалга ошириш етарли эмас. Шу туфайли ушбу соҳани назарий жиҳатдан ҳам чукур тадқик килиб, ҳар бир оиласининг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиши, оиласар фаровонлигини оширишнинг истиқболини белгилаш йўлларини кўрсатиб беришни тақозо килади. Буларнинг ҳаммаси мазкур мавзунинг ўта муҳим ва долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шуни эътироф этиш керакки, оила ҳўжалиги иқтисодиёти, унда амалга ошириладиган тадбиркорлик муаммоси узок йиллардан бўён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Бу соҳа Ф. Кенз, А. Смит, Ж. Сей, А. Маршал, Дж. М. Кейнс, Й. Шумпетер, М. Вебер, Д. Гелбрейт, Ф. Хейк, А. Чаянов каби иқтисодчи ва файласуф олимлар асарларида ўз ифодасини топган. Аммо режали иқтисодиётта асосланган маъмурий-буйруқбозлик шароитида оила ҳўжалиги асосан иқтисодиётда истемолчи субъект сифатида қаралди. XX асрда оила ҳўжалиги мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи субъект сифатида деярли тадқик килинмади.

Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиши бу муаммога янгидан ёндашишини талаб қилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила ҳўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодий назария фанига киритилди ва у эндиликда микроиктисодиётнинг субъекти сифатида қаралмоқда⁴ ва бу соҳа илмий-тадқиқотлар обьектига ҳам айланмоқда. Бу борада иқтисодчи олимларимиздан А. Үлмасов⁵, М. К. Пардаев⁶, З. Н. Курбонов⁷, Б. Беркинов⁸, А. Хайитов⁹, А. Вахобов, Х. Ахмаджонов¹⁰ кабилар ўзларининг илмий ишлари натижаларини

³ Инсон таракқиёт тўғрисида маъруза. Ўзбекистон – 2005. - Т.: БМТнинг таракқиёт дастури, Иқтисодий тадқиқотлар маркази. 2005. – 2 бет.

⁴ Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар. Үлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Мехнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Журдаев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шиншин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996. - Т. 2. - 34-54 бетлар ва х.к.

⁵ Үлмасов А. Оила иқтисоди. - Т.: Мехнат, 1998.

⁶ Пардаев М.К. Оила иқтисодиёти ва бизнес асослари. - Самарканд, СамКИ, 1997, Пардаев М.К., Шодмонова Г.М. Лойиха таҳлилида оила мулки. - Самарканд, СамКИ.

⁷ Пардаев М.К., Курбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. - Самарканд, СамДУ, 1999.

⁸ Беркинов Б. Ислоҳотлар негизида оила манфати // «Мулкдор» хафтномаси. 1998 йил 13 феврал.

⁹ Хайитов А. Оиласи бой жамият - Фаровон жамият // Савдогар газ. 1999 йил 12 октябр.

¹⁰ Вахобов А., Ахмаджонов Х. Ҳонадон ва давлат молиясининг ўзаро муносабатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003 йил 11-12 сон. – 54-55 бетлар, Вахобов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг тақороран хосил бўлиши.

нашр киодилар. Ушбу муаммога айрим номзодлик диссертациялари ҳам багишланди¹¹. Мамлакатимизда оила (уй) хўжалиги муаммоларини Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури, БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари тизими, Иктисолий тадқиқотлар маркази каби нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ҳам ўрганмокда¹².

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлидан келиб чиккан ҳолда оила хўжалиги иктиносидётини тадқиқ қилишга кўйилган дастлабки қадамлардир. Бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги микроиктиносидётнинг субъекти сифатида йирик илмий тадқиқотлар обьекти бўлиши лозим. Аммо бу муаммони тадқиқ қилиш бир томондан ўта масъулиятли ва иккинчидан ҳаётий заруратга айланганлиги ва ударнинг назарий ва амалий ечимининг етарли даражада ҳал килинмаганлиги мазкур масаланинг айрим назарий ва методологик жиҳатларини тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Тадқиқотнинг мавзуси мамлакатимизда амалга оширилаётган ахоли фаровонлигини кўтариш билан боғлик Ҳукуматимизнинг устувор вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, Самарқанд иктиносидёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг ташкилий-иктисолий омилларини ва сервисни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммоларини тадқиқ қилиш жараённада унинг микроиктиносидёт субъекти эканлигидан келиб чиқиб, иктисолий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини бажаришга қаратилган, оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўлларини асослашдан ҳамда унинг баркарор ўсишини таъминлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари. Кўйилган мақсадга эришиш учун ишда қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган:

* оила хўжалиги фаровонлигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади бўзор муносабатлари шаклланадётган шароитда микроиктиносидётнинг таркибий қисмига айланганлигини асослаш, бу жараённинг давом этадтганлиги, унинг мулки,

Т.: Шарқ. 2003. Вахобов А., Ахмаджонов Ҳ. Ҳонадон молияси хусусиятларни.// Ўзбекистон иктисолий ахборотномаси. 2003 йил 10 сон. – 14-15 бетлар.

¹¹ Аъзамов С.М. Оилани ижтимоний ҳимоялашнинг самарали механизмини шакллантириши (Андижон вилояти мисолида). ЎзР ФА Иктиносидёт институти. Иктисол фанлари номзоди ... Дисс. автореферати. - Т.: 2006., Эгамов Д.Н. "Бозор иктиносидёти шароитида Қашқадарё вилоятida оиланинг социал-демографик ривожланиш хусусиятлари". ЎзР ФА Иктиносидёт институти. Иктисол фанлари номзоди ... Дисс. автореферати. - Т.: 2006., Ахмаджонов Ҳ.И. Ўзбекистон ҳонодонлари молия ресурсларини шаклланishi ва ишлатилиши. ЎзР Банк-Молия Академияси. Иктисол фанлари номзоди ... Дисс. автореферати. - Т.: 2006. ва ҳ.к.

¹² Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури, Иктисолий тадқиқотлар маркази. Тошкент 1997-2005 йиллар, Ўзбекистон мингийлилк ривожланиш максадларининг маърузаси. БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари тизими: - Т.: 2006 ва ҳ.к.

- даромади ва харажатларининг турлари, уларни таснифланиш белгилари, таснифи, ҳар бирининг тавсифини ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан асослаш;
- * бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги мазмунининг ўзгараётганлигини, унинг фақат истеъмол килувчи субъектдан ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи, сотувчи каби иктисадий жараёнларни амалга оширувчи субъектга айланашганлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;
 - * мавжуд адабиётларда “Оила хўжалиги”, “Уй хўжалиги”, “Хонадон хўжалиги”, “Оила хўжалиги тадбиркорлиги”, “Фаровонлик”, “Ахолининг турмуш даражаси”, “Оила хўжалиги фаровонлиги”, “Оила хўжалиги даромадлари”, “Оила хўжалиги харажатлари” каби тушунчалар бўйича турли қарашларни танқидий ўрганиш ва уларнинг ижтимоий-иктисадий мазмунини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;
 - * ҳозирги талаблардан келиб чиқиб, оила хўжалиги фаровонлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишининг объектив зарурият эканлигини ва уларни ифодалаш учун тегишли ахборотлар тизимини шакллантириш лозимлигини асослаш ва уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бериш;
 - * иктисадиётни эркинлаштириш шароитида оила хўжалиги фаровонлигини оширишда мулк ва мулкий муносабатларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб “Мулк”, “Мулкий муносабатлар”, “Мулкдор”, “Оила хўжалиги мулкдори”, “Мулк объекти”, “Мулк субъекти”, “Мулк шакллари”, “Хусусий мулк”, “Оила хўжалиги мулки” каби атама ва иктисадий категорияларнинг мазмунини атрофлича ўрганиш, уларга назарий жиҳатдан айrim аниқликлар киритиш ҳамда такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;
 - * оила хўжаликлари фаровонлигини оширишдаги оила хўжалиги мулкининг мухим ролидан келиб чиқиб, уни икки гурӯхга, яъни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайиган мулкларга бўлиш лозимлигини, оила хўжалиги даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири мулкни ишлатишдан олинадиган даромад эканлигини асослаш;
 - * оила хўжалиги мулки ва фаровонлигини оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш учун уларга таъсири этувчи омилларни аниглаш ва уларнинг таъсирини хисоблаш усусларни ишлаб чиқиш;
 - * оила хўжаликлари фаровонлигини таъминлашда унинг иктисадий мустаҳкамлиги, рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш йўлларини сервис билан шуғулланувчи оила хўжаликлари мисолида кўрсатиб бериш;
 - * оила хўжалиги даромадларининг табакаланиши кишлок билан шахар ўртасида, оила аъзоларининг сонига боғлик ҳолда, оиласда тадбиркорликнинг жорий қилиниши каби омилларга боғликларини аниглаш ва оила хўжалиги фаровонлигини ошириш учун ҳар бир оиласда тадбиркорликни ривожлантириш ва ортиқча мулкни ишлатиш йўлларини кўрсатиб бериш;
 - * оила хўжалиги фаровонлигини харажатларни мақсадга мувофиқ сарфлаш ва тежаш орқали, харажатларнинг таркибий тузилиши ва уни мукаммаллаштириш, унинг умумий харажатлари ва таркибий тузилишини такомиллашти-

ришга эришиш йўлларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил килишнинг объектив зарурият эканлигини асослаш;

- * оила хўжалиги харажатларини иқтисодий мазмуни бўйича ишлаб чиқариш харажатлари, муомала харажатлари ва истеъмол харажатларига, уларни даромад келтириши ёки келтирмаслиги нуткаи назаридан оила хўжалигига даромад келтирадиган харажатларга ва даромад келтирмайдиган харажатларга бўлиш лозимлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;
- * мамлакатимизда дехқон хўжалиги, фермерчиликни ривожлантириши оила хўжалиги фаровонлигини оширишда муҳим ташкилий-иктисодий омил эканлигини асослаш;
- * бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги фаровонлигини ошириш бевосита оила аъзоларининг фаолигига, тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланишига, мулкни ишлатиш қобилиятига, харажатларни мақсадга мувофиқ сарфлай олишига, касаначилик ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятлар билан шугулланиш қобилиятига боғликларини асослаш ва бу жараёнларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз оила хўжаликларини ва уларнинг аъзоларини бокимандаликдан, давлатни дояликтан кутқариши мумкинлигини кўрсатиб бериш ва ҳар бир оиланинг ўзини ўзи маблағ билан таъмкнлаш йўлларини ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида жойлашган оила хўжаликлари, айниқса, оидавий хусусий мулкка асосланган хизмат соҳаси билан машгул тадбиркорлар, дехқон ва фермер хўжаликлари, касаначилик билан шугулланадиган оиласлар тадқиқотнинг обьекти хисобланади.

Мамлакатимизнинг турли тоифадаги оила хўжаликлари фаровонлигини оширишга қаратилган ташкилий-иктисодий омиллар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети хисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гурухлаш, занжирли алмаштириш, индекс, қайта хисоблаш, танлаб кузатиш каби усулларидан ҳамда индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, анализ ва синтез, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантикий ёндашув каби услублардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- * бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги микрониктисодиётнинг таркибий қисмига айланганлиги ва бу жараён давом этати таҳлилнинг исботи, уларнинг мулки, даромади ва харажатларининг турлари, уларни таснифланиш белгилари, таснифи, ҳар бирининг тавсифи ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги;
- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий омилларнинг бир тизимга келтирилганлиги ва бунда сервисни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларининг очиб берилганлиги;
- * “Оила хўжалиги”, “Уй хўжалиги”, “Хонадон хўжалиги”, “Оила хўжалиги тадбиркорлиги”, “Фаровонлик”, “Аҳолининг турмуш даражаси”, “Оила хўжалиги фаровонлигиг”, “Оила хўжалиги даромадлари”, “Оила хўжалиги

- * харажатлари" каби тушунчаларнинг ижтимоий-иктисодий мазмуни назарий жиҳатдан асосланиб такомиллашган таърифларининг ишлаб чиқилганилиги;
- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иктисодий омиллардан бири мулк ва мулкий муносабатларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб "Мулк", "Мулкий муносабатлар", "Мулкдор", "Оила хўжалиги мулкдори", "Мулк объекти", "Мулк субъекти", "Мулк шакллари", "Хусусий мулк", "Оила хўжалиги мулки" каби атама ва иктиносий категорияларнинг тушунчаларига назарий жиҳатдан айрим аникликлар киритилганилиги ва уларнинг такомиллашган таърифларининг берилганилиги;
- * бозор муносабатлари шароитида оила хўжалигининг мазмuni ўзгарганилиги, уни факат истеъмол килувчи субъект эмас, балки ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи, сотувчи каби иктиносий жараёнларни амалга оширувчи субъект сифатида қараш лозимлигининг асосланганлиги;
- * оила хўжалиги фаровонлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш обьектив зарурият эканлиги, уларнинг тизими ва тегишли ахборотларни шакллантириш йўллари кўрсатиб берилганилиги;
- * оила хўжалигига даромадларнинг киёсий баҳодаги миқдорини аниқлаш ва динамикасини киёслаш учун келтириш коэффициентидан фойдаланиш усулининг тавсия этилганилиги;
- * оила хўжаликлирида оила аъзолари сонининг ортиши билан оиласининг умумий харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга қаратилган харажатлари улуши ортиб бориш тенденциясига загалиги.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги иктиносидётни эркинлаштириш шароитида оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий омилларини ва сервисни ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари очиб берилганилиги ва унинг фаровонлигини оширишга қаратилган назарий ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганилиги билан белгиланади. Бу кўйидагиларда ўз аксини топган:

- * оила фаровонлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий омилларини ва сервисни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ва уларни тадқиқ қилишнинг назарий ва услубий асослари яратилди;
- * оила хўжалиги мулкининг оила фаровонлигини оширишдаги мухим ролидан келиб чиқиб, уни икки гурухга, яъни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган мулкларга бўлиш лозимлиги асосланди ва уларнинг таснифи кўрсатиб берилди;
- * оила хўжалиги даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири мулкни ишлатишдан олинадиган даромад эканлиги асосланди ва уни амалга оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш учун уларга таъсир этувчи омиллар аниқланди ва уларнинг таъсирини хисоблаш йўллари ишлаб чиқилди;
- * оила хўжалиги мулкини кўпайтириш ва фаровонлигини таъминлашда унинг иктиносий мустаҳкамлиги, ракобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш лозимлиги асосланди ва уларни амалга ошириш йўллари сервис билан шуғулланувчи оила хўжаликлари мисолида кўрсатиб берилди;

- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишда даромадларнинг такомиллашган тавсифи ишлаб чиқилди, даромадларни беш гурухга бўлиш, уларнинг ҳар бир йўналиши бўйича кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилди;
- * оила хўжалиги даромадларининг табақаланиши қишлоқ билан шаҳар ўргасида, оила аъзоларининг сонига боғлиқ ҳолда, оиласда тадбиркорликнинг жорий қилиниши каби омилларга боғликлиги аникланди ва оила хўжалиги фаровонлигини ошириш учун ҳар бир оиласда тадбиркорликни ривожлантириш ва ортиқча мулкни ишлатиш йўллари тавсия қилинди;
- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишда рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланиш, харажатларни мақсадга мувофик сарфлаш ва тежаш орқали эришиш йўллари илмий-назарий жиҳатдан исботланди, харажатларининг таркибий тузилиши ва уни мукаммаллаштириш, унинг умумий харажатлари ва таркибий тузилишини оптималлаштириш орқали ҳам эришиш мумкинлиги асосланди;
- * бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб оила хўжалиги харажатларини иқтисодий мазмуни бўйича ишлаб чиқариш харажатлари, муомала харажатлари ва истеъмол харажатларига, уларни даромад келтириши ёки келтирмаслиги нутқи назаридан даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган харажатларга бўлиш лозимлиги асосланди;
- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишда дехкон хўжаликларининг аҳамияти катталигидан келиб чиқиб, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди ҳамда дехкон хўжаликларининг самарадорлигини ошириш оила фаровонлигини кўтаришнинг асосий йўналишларидан бири эканлиги асосланди;
- * оила хўжалиги фаровонлигини оширишда мухим ташкилий-иқтисодий омиллардан бири мамлакатимизда фермерчиликни ривожлантириш эканлиги асосланди, фермерчиликни такомиллаштиришда “Оталикга олиш” тамойилида иш кўришнинг афзаликлари очиб берилди ва бу жараённинг объектив равишда фермерлар кооперациясининг шаклланиши учун асос бўлиши кўрсатиб берилди;
- * оила хўжаликлари даромадларининг табақаланиши, ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, аҳолининг кам таъминланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш, таҳлил килиш учун оила хўжаликларида иқтисодий ишларни такомиллаштириш орқали уларнинг фаровонлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилди;
- * бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги фаровонлигини ошириш бевосита оила аъзоларининг фаоллигига, тадбиркорлик кўнимкамаларининг шаклланишига, мулкни ишлатиш қобилиятига, харажатларни мақсадга мувофик сарфлай олишига, касаначилик ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятлар билан шугулланиш қобилияти каби ташкилий-иқтисодий омилларга боғликлиги ва бу жараёнларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз оила хўжаликларини ва уларнинг аъзоларини бокимандалиқдан, давлатни эса дояликдан кутқариши мумкинлиги асосланди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти оила хўжалигининг мазмуни ўзгарганлигини, унинг микроиқтисодиёт

субъектига айланганлигини, мулки ва даромадларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти очиб берилишини, оила хўжалиги фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш ва таҳлил килиш йўлларини, даромадлари ва харажатлари таркибини таснифлаш усуулларини, оила хўжалиги инвестициясини турли шароитларда баҳолаш, уларга таъсир килувчи омилларни аниклаш йўлларини асослаша намоён бўлади. Унда кўтарилиган хуносалар олий ўкув юргулари талабалари ва магистрларини тайёрлашда ҳам кенг кўлланилиши мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти унда кўтарилиган айрим муаммоларнинг ҳал килинганлиги, ишлаб чиқарилган таклиф ва тавсияларнинг келажакда умумий ўрта таълим, касб-хунар коллежлари, бизнес мактаблари ўкув режаларига «Оила иктисодиёти», «Оила тадбиркорлиги» курсларини киритиш учун ҳамда «Оила тадбиркори» ихтинослиги бўйича кичик мутахассисларни тайёрлашга асос бўлиши, шу орқали оммавий тарзда мамлакатимизда оила тадбиркорлигини шакллантиришни тъминлашда намоён бўлади.

Натижаларнинг жорий килиниши. Тадқиқот натижасида олинган хуносалар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасига (2006 й. 20 сентябрда тасдикланган далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус касб-хунар таълими Марказига (2006 й. 16 майда тасдикланган далолатнома), Ўзбекистон Республикаси “Оила” илмий-амалий Марказига (2006 й. 20 сентябрда тасдикланган далолатнома) амалиётга, Самарқанд иктисодиёт ва сервис институтига (2006 й. 16 ноябрда тасдикланган далолатнома) ўкув жараёнига жорий килиш учун қабул килинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Мазкур иш бўйича эришилган натижалар ва илмий-амалий хуносалар 28 та илмий-амалий конференцияларда маъруза килинган. Уларнинг 10 таси ҳалкаро, 11 таси республика, ва 7 таси Самарқанд иктисодиёт ва сервис каби институтларида ўтказилган конференциялардир. Килинган хуноса ва таклифлар конференция тавсияларида ўз аксини топган.

Натижаларнинг зълон қиннинганлиги. Илмий-тадқиқот натижалари 1 та монография, 3 та рисола, 4 та ўкув адабиёти, 26 та илмий журналда мақола, 29 та конференция материалларида маъруза тезислари шаклида зълон қилинган. Уларнинг умумий ҳажми 49,0 б.т.дан иборат.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши мантиқан бирбири билан боғлик ҳолда кетма-кет жойлаштирилган кириш, бешта боб, хуноса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Унда 44 та жадвал, 3 та расм, 30 та иловалар мавжуд. Адабиётлар рўйхати 201 тани ташкил қиласди. Ишнинг умумий ҳажми 295 бетдан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳар бир оиласига муносиб турмуш шаронтини яратишга қаратилгандир. Бу муаммонинг назарий масалаларини ҳал килинча оила хўжалигининг ижтимоий-иктисодий мазмунини ва унинг фарованиелигини оширишнинг асосий

устувор йўналишларини, хусусан унинг ташкилий-иктисодий омилиларини қараб чиқиши тақозо қиласди. Бундай вазифани бажаришга киришиш “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги”, “хонадон хўжалиги”, “оила хўжалиги тадбиркорлиги”, “фаровонлик”, “оила хўжалиги фаровонлиги” каби тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий мазмунини очиб беришдан бошланади.

Энг аввало, “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги”, “хонадон хўжалиги” тушунчалари хусусида. Чунки, иктиносидёт назарийси ва класик адабиётларда “уй хўжалиги” ишлатилса, ҳозирги айрим адабиётларда «хонадон хўжалиги» ишлатилмоқда. Биз эса “оила хўжалиги” тушунчасини олдик. Бунга сабаб, оила мамлакатимизда ижтимоий бирлик сифатига конунларимизда зътироф этилган. Жумладан, Конституциямизнинг XIV боби “Оила” деб номланади ва унга 4 та модда ажратилган, ЎзР Олий Мажлиси томонидан маҳсус “Оила кодекси” кабул килинган. Мамлакатимиз Президенти ҳам деярли барча чиқишлирида оила фаровонлигини ошириш масаласини устувор вазифа сифатига кўймоқда. 1998 йил «Оила йили», деб ёзлон килинди. Шу йилда «Оила манфаатларини химоя килиши»га бағишланган маҳсус Давлат Дастури ишлаб чиқилди. Хуллас, мамлакатимизда оила тушунчаси бошқа тушунчаларга нисбатан устуворлигини инобатта олиб, оила хўжалиги тушунчасини тадқиқотнинг мавзусига асос килиб танланди.

“Оила хўжалиги” тушунчаси бўйича мамлакатимиз ва хорижий олимларининг қарашлари тақиёдий ўрганилиб, унга қуидагича таъриф бериш лозимлиги асосланди. “Оила хўжалиги” деганда, оила аъзоларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иктиносий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш мақсадида бир-бирни билан эр-хотинлик, бола-чакалик ва туғишгашлик асосида бирга яшовчи кишилар гурухи тушунилади”.

“Уй хўжалиги” тушунчаси ҳам назарий жиҳатдан тадқиқ қилинди ва унга қуидагича такомиллашган таърифни бериш тавсия килинди. “Уй хўжалиги” деганда, оила мулкига асосланган бир кичик гурух кишилар ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иктиносий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланиш учун бир оила аъзолари атрофида уюшган кишилар (ёлланган кишилар ҳам шунга киради) гурухи тушунилади.” Ҳақиқатда уй хўжалигида ишловчилар таркибида оила аъзоларидан ташқари яна бошқа ёлланган кишилар ҳам бўлиши мумкинлиги асослануб, уларнинг бир-биридан фарки кўрсатиб берилиди.

“Хонадон хўжалиги” тушунчаси ҳам иктиносий адабиётларга кириб келганилигини инобатта олиб, унинг мазмуни бўйича олимлар қарашларини ўрганиб, унга қуидагича таъриф бериш лозимлиги асосланди. “Хонадон хўжалиги” деганда, бир хонадонда яшовчи бир ва ундан кўп онлаларининг биргаликда ўзларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иктиносий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш мақсадида бирга яшовчи бир

канча оила аъзолари тушунилади". Хонадон хўжалигида ёлланган кишилар бўлмайди, аммо, бир ҳонадонда яшовчи бир канча оиласлар бирга бўлишлари мумкин.

Оила хўжаликдарининг микроқтисодиёт субъектига айланиши бевосита уларниң тадбиркорлик билан шугулланишига ҳам боғлиқдир. Аммо оила хўжалиги тадбиркорлигининг бозор муносабатларига хос таърифи ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли тадбиркорликнинг тан олинган умумий таърифидан ва бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги тадбиркорлигининг ўрнини инобатта олиб, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб, оиласлар мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оиласла даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган қонуний фаолиятга айтилади.

Оила хўжалиги микроқтисодиётнинг субъектига айланишида тадбиркорликнинг роли бекиёслиги очиб берилди. Буларни амалга ошириш учун унда мулк, фаолият, максад бўлиши лозимлиги асосланди.

Биринчидан, оила хўжалигининг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига функцияси ўзгариб, микроқтисодиётнинг субъектига айланди. Оила фаровонлигини оширишнинг муҳим манбай эндиликда факат оила аъзолари оладиган меҳнат ҳаки ва давлат томонидан бериладиган трансферлар бўлиб қолмасдан, балки уларниң тадбиркорлик, мулкини ишлатиш ва хўжалик юритиш орқали олинадиган даромади (фойдаси) бўлиб қолаётганлиги ҳам асосланди.

Иккинчидан, оила хўжалигининг хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз мулки, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва фаолият натижасида оладиган даромади (фойдаси) мавжудлиги ва уларга эгалик қилиш хукуки пайдо бўлди.

Учинчидан, уй хўжалиги тушунчаси оила хўжалиги ва хонадон хўжаликлари тушунчаларига нисбатан кенроқ эканлиги, унда ёлланган меҳнат жалб қилиниши ва шу туфайли фойда ҳам ёлланган кишига ўз меҳнатига қараб тақсимлаши мумкинлиги асосланди.

Тўргинчидан, оила тадбиркорлиги ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб оила мулки ва оила аъзоларининг иш кучига таяниши кўрсатиб берилди.

Бешинчидан, оила хўжалигига асосан битта оила аъзолари, хонадон хўжалигига бир канча оила аъзолари, уй хўжалигига оила аъзолари билан ёлланган ходимларнинг ҳам бирга бўлиши асосланди.

Оила хўжалиги бизнесига ҳам таъриф берилди. "Оила хўжалиги бизнеси деганда, оиласла даромад (фойда) келтирувчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ барча қонуний фаолиятлар тушунилади". Бу тушунчаларнинг таърифи уларниң бир-биридан фаркини аниқлаш имкониятини беради.

Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш ва унинг назарий асосини ишлаб чиқиши учун фаровонлик тушунчаси ҳам атрофлича ўрганилди ва унинг бозор муносабатларига хос, такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Ишда "Фаровонлик деганда, ахолининг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, яъни инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган

махсулотлар, хизматлар ва шароитлар билан етарли даражада таъминланиши тушунилади”, деган таъриф берилди.

Тадқиқотлар натижасида оила хўжалиги фаровонлиги тушунчасига макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт нуктаи назаридан караш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Микроиктисодиёт даражасида фаровонлик ҳар бир оиласида аникланиб, кўрсаткичлар тизими билан ифодаланадиган бўлса, макроиктисодиёт даражада фаровонликни белгиловчи асосий кўрсаткич бўлиб ахоли турмуш даражаси тушунилади. Ушбу хуносалардан келиб чиқиб, оила хўжалиги фаровонлигига қуйидагича таъриф бериш тавсия килинди. “Оила хўжалиги фаровонлиги деганда, оила аъзоларининг муносиб яшашини таъминлаш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, хизматлар ва шароитлар билан етарли даражада таъминланиши тушунилади”.

Ахолининг турмуш даражаси макроиктисодиёт даражасида фаровонликни ифода этувчи асосий тушунчалигидан келиб чиқида ва унга қуйидагича такомиллаштирилган таъриф берилди. “Ахолининг турмуш даражаси деганда, кишиларнинг моддий, майший, маънавий ва маърифий эҳтиёжларини муттасил қондириб борилишини таъминлашга етарли бўлган иктиносидий ва интеллектуал имкониятларини ифодаловчи мураккаб ижтимоий-иктиносидий категория тушунилади”.

Ишда оила хўжалиги фаровонлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Булар жумласига:

- ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган даромадлар микдорини;
- оила хўжалигига харажатларнинг таркибий тузилиши (озик-овқат маҳсулотларининг умумий харажатлардаги улуши)ни;
- ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган фойда микдорини;
- даромадлар таркибида тадбиркорлик ва мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг улушкини;
- оила хўжалиги маҳсулотининг (иш, хизмат) ракобатбарошлиги каби кўрсаткичларни киритиш лозимлиги асосланди.

Оила хўжалигини юқорида тавсия этилган кўрсаткичлар орқали батафсил ва атрофлича ўрганиш учун ахборотлар тизими етарли эмаслиги асосланди ва уларни такомиллаштириш учун оила хўжаликлари даромадлари ва харажатларини хисобга оладиган янги кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқида ва уларни социологик сўровлар натижасида шакллантириш усуслари кўрсатиб берилди. Буларга қуйидагилар киритилди:

- ёлланиб ишлаганларнинг иш ҳаки;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик каби бизнеслар);
- мулкни ишлатишдан олинган даромадлар (биноларни ижарага бериш, транспорт воситаларидан такси сифатида фойдаланиш, трактор ва бошқа техник воситалар билан хизмат кўрсатиш кабилар);
- ортиқча мулкни сотишдан олинган даромадлар (бунга бирорта мулкини алмаштириш мақсадида сотишдан олинган даромад ҳам киради. м: автомобилни сотиши);

- томорқадан ва ижарага олинган ерлардан дәхқончилик қилиб олинган даромадлар;
- чөрвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотишдан тушган даромадлар;
- ортиқча жамғармани инвестицияга қўйишдан олинган даромадлар (пулни банкга қўйиш, кимматли қоғозлар учун олинган дивидендлар, бошқа кишининг фаолиятига шерикчилик асосида пул билан иштирок этиш кабилар);
- олинган совға-саломлар, мазкур оиласа кўрсатилган бегараз ҳомийлик ёрдамлари ва бошқалар;
- қасаначиликдан килинган даромадлар (йирик корхоналар билан шартнома асосида фаолият кўрсатиш);
- трансферлар (пенсия, нафака, стипендия ва бошқалар);
- бошқа даромадлар (юқорида келтирилган даромадлар таркибиға кирмайдиган даромадлар).

Ушбу кўрсаткичлар оила хўжалиги жами даромадларини ташкил қилади.

Унинг харажатларини ифодалаш учун куйидаги кўрсаткичлар тавсия қилинади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар;
- ноозик-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- коммунал хизмат тўловлари;
- соғломлаштириш ва тиббиёт харажатлари;
- инвестицияга қўйган харажатлар (кимматли қоғозлар сотиб олиш, пулни банкга қўйиш, бошқа кишиларнинг фаолиятига шерикчилик асосида иштирок этиш учун пул қўйиш кабилар);
- мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар (автомобил транспорти ва бошқа асосий воситаларни ишлатишга кетадиган харажатлар);
- турли хизматлар учун кетган харажатлар (хаммон, сартарошхона, кир ювдириш, кийим-кечакларни таъмирлатиш кабилар);
- турли сафар харажатлари;
- интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга кетган харажатлар (ўқишига, репититорга, китоб сотиб олиш, мусика асблари ва бошқа маданий тадбирларга кетган харажатлар).

Ушбу даромадлар ва харажатларни ифодаловчи кўрсаткичларни хисобга олиш оила хўжаликлари фаровонлигини оширишда нималарга аҳамият берилишини назорат қилишда бажариладиган иктиносидий ишларнинг такомиллашуви учун ёсos бўлади.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг ташкилний-иқтисодий омиллари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва уларнинг тизими ишлаб чиқилди. Биринчи гурух омилларга, оила хўжалигида тадбиркорликнинг турли усуслари ва йўналишларини ривожлантириш орқали уларнинг даромадларини кўпайтириш, иккинчи гурухга оила хўжалигида мулкни ишлатиш йўли билан даромадларни кўпайтириш, учинчи гурухга оила хўжалигида харажатларни оптималлаштириш ва уларнинг таркибий ўзгаришларини такомиллаштириш орқали даромадларни мақсадга мувофиқ

равишида тежаб-тергаб сарфлаш, түртнинчи гурух оиласында оила хұжаликларида чорвачиликни күпайтириш, дәккон хұжалиғи, фермерчилік вақасаначиликни ривожлантириш билан бөлік оиласында киритиш лозимлигі асосланди. Оила хұжалиғи фаровонлигини оширишида сервиснинг роли жуда катта. Биринчидан, сервисни ривожлантириш оила хұжаликларида ишсизликни бартараф килиш әзисига фаровонликтен ошираса, иккінчидан, оила хұжалиғи фаровонлигининг асосий йұналишлардан бири уларга күрсатыладын сервис хизматидір.

Мазкур ташкилий-иктисодий оиласында гурухи кенг қамровли бўлиб, ўз ичига жуда кўп тадбирларни қамраб олади. Бу оиласында назарий ва амалий тахлили мазкур ишнинг бутун мазмунини ташкил қиласи.

Ишда фаровонликтен асоси бўлган оила хұжалиғи мулки ва даромадини күпайтириш йўллари тадқиқ қилинди. Оила хұжалиғи мулкининг ижтимоий-иктисодий мөхияти ва унинг мулклар тизимидағи ўрни, оила хұжалиғи мулки ва фаровонлигига таъсир қилувчи оиласында аниклаш ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари, оила хұжалиғи фаровонлиги ва иктисодий мустаҳкамлигини оширишнинг самарали йўлларини аниклаш усулында иктисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Жуда кўп оила хұжалиғи мулки ва даромади билан бөлік бўлган ўта муҳим иктисодий категорияларнинг мазмуни, уларнинг таърифлари бозор муносабатларига мос тарзда ишлаб чиқилмаган. Натижада кўпгина атамалар, категория ва тушунчалар, хусусан, оила хұжалиғи нұқтаи назаридан “мулк”, “мулкий муносабатлар”, “мулкдор”, “мулк обьекти”, “мулк субъекти”, “мулк шакллари”, “хусусий мулк”, “оила мулки” кабиларнинг таърифлари айрим аникликларни киритишина тақомиллашишни талаб қиласи.

Мулкка таъриф беришда оила хұжалиғи нұқтаи назаридан иккі жиҳатни, яни биринчиси, унинг хукукий ва иккінчиси унинг иктисодий жиҳатини инобатта олиш лозим. Буларни инобатта олиб мулкка қўйидагича таъриф беришни мақсаддага мувофиқ деб топдик. Мулк деганда, хукукий ва жисмоний шахсларнинг иктисодий-ижтимоий жарайнларда эзалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши билан бөлік қишилар ўртасидаги иктисодий муносабатлари обьекти бўлган маддий, молиявий ва номоддий неъматлар (интеллектуал мулк) мажмун тушунилади. Ушбу таърифнинг асосий мазмуни ишда назарий жиҳатдан асосланди.

Хозирги пайтда ҳар бир оила ўз тасарруфидан маддий, молиявий ва интеллектуал бойликларига эзалигидан келиб чиқиб, оила хұжалиғи мулкига қўйидагича таъриф беришни тавсия қиласи.

Оила хұжалиғи мулки деганда шу оила хұжалигига қарашли маддий, молиявий ва интеллектуал (номоддий) мулклар мажмусини улар томонидан эзалик қилиши, фойдаланиш ва тасарруф этишга қаратылган иктисодий-ижтимоий жарайнларда оила хұжалигининг ўзлаштириши билан бөлік бўлган иктисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Мулкий муаммолар билан бөлік жамиятдаги бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш ва истеммол қилишга қаратылган иктисодий муносабатларда вужудга келадиган ва намоён бўладиган тушунчалардан бири

“мулкий муносабатлар” тушунчасидир. Бу муносабатларнинг ҳам ўз мазмунига кўра, ҳукукий ва иқтисодий муносабатларга бўлинишини инобатга олиб унга кўйидагича таъриф бердик. Мулкий муносабатлар деганда, моддий ва номоддий неъматларни ўзлаштириш билан боғлик бўлган кишилар ўргасида содир бўладиган иқтисодий-ижтимоий ва ҳукукий муносабатлар мажмуи тушунилади. Булар бевосита оила хўжалигига ҳам тегишилдири.


Одатда мулкга эгалик килувчи шахс мулкдор хисобланади. Бунга кўйидагича таъриф беришни тавсия килмоқдамиз Мулкдор деганда, моддий ва номоддий неъматларга, яъни мулк обьектига тўлиқ эгалик қилиш, ундан ўз ихтиёри билан фойдаланиш ва батафсил тасарруф этиш ҳукукига эга бўлган кишилар тушунилади. Ушбу тушунчадан келиб чикиб оила хўжалиги мулкдори тушунчасига ҳам таъриф бериш мумкин. Оила хўжалиги мулкдори деганда, моддий ва номоддий неъматларга, яъни мулк обьектига тўлиқ эгалик қилиш, ундан ўз ихтиёри билан фойдаланиш ва батафсил тасарруф этиш ҳукукига эга бўлган оила хўжаликлари ёки оила хўжалигидаги шахслар тушунилади.

Тадқиқотлар кўрсатдик, оила хўжалиги мулкининг мазмунини тўлиқ тушуниш учун “мулк обьекти” ва “мулк субъекти” тушунчаларининг мазмунини ҳам очиб беришни тақозо қиласди. Мулк обьекти деганда, давлат, жисмоний ва юридик шахслар томонидан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиши мумкин бўлган моддий ва маънавий бойликлар ва инсоннинг меҳнат салоҳияти (иш кучи) тушунилади. Бундан келиб чикиб, оила хўжалиги мулки обьектига ҳам таъриф берилди. Оила хўжалиги мулкининг обьекти деганда, оила аъзолари томонидан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиши мумкин бўлган моддий ва маънавий бойликлар ва оила аъзоларининг меҳнат салоҳияти (иш кучи) тушунилади.

Мулк субъектига таъриф беришда ҳам маълум талабларга, яъни мулк кимники деган саволга жавоб бериш лозимлигидан келаб чикиб, унга кўйидагича таъриф берилди. Мулк субъекти деганда, мулкининг кимларга (давлат, жисмоний ва юридик шахслар) тегишли эканлигини ифодаловчи дахлдорлик жиҳатлари тушунилади. Ушбу тушунчалардан келиб чикиб, оила хўжалиги мулки субъектининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи таърифни ишлаб чиқдик. Оила хўжалиги мулкининг субъекти деганда, бевосита оила аъзолари ва мулкининг уларга тегишлигини ифодаловчи дахлдорлик жиҳатлари тушунилади. Оила хўжалиги мулки субъектининг ўзига хос хусусиятларининг кимларгadir эмас, балки факат оила аъзоларига тегишли эканлиги билан характерлидир. Шу жиҳатдан қараганда, оила хўжалиги мулкининг субъекти шу оиласга бирлашган унинг аъзоларидир.

Хозирги пайтда оила хўжаликлари фаровонлигини оширишда асосий зътиборни мулкни ишлатишга қаратиш лозимлигидан келиб чикиб, уни даромад келтириши нуктаи назаридан иккى гурухга, яъни даромад келтирадиган мулк ва даромад келтирмайдиган мулкларга бўлиш лозимлиги асосланди. Бу мулкларнинг таснифи ва тавсифи ишлаб чиқилди (1-расм).

Оила хўжалиги мулки



1-расм. Оила хўжалигининг даромад келтирувчи ва келтирмайдиган мулклари

Тадқиқ қилинган оила хўжаликлари мисолида жами даромад келтирмайдиган мулклар кийматини ва жами даромад келтирадиган мулклар кийматини аниклаб, оила хўжалигининг даромад келтирадиган мулкларининг умумий мулкдаги улушкини, оила аъзоларининг умумий сонидан фойдаланиб, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган мулк микдорини, оиласинг йиллик барча даромадини аниклаб даромад келтирувчи мулкнинг самарадорлик даражасини хисоблаш мумкинлиги асосланди.

Ишда илк бор оила хўжалиги мулки ва фаровонлигига таъсир килувчи омиллар аникланди, уларни аниклаш ва тахлил килиш орқали улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Оила хўжалиги мулкнинг кўпайишига бир канча омиллар таъсир килади. Буларга:

1. Оила аъзоларининг умумий сони (Оа);
2. Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган мулкнинг микдори (Мм);
3. Даромад келтирувчи мулкнинг умумий мулкдаги улushi (Ду);
4. Ҳар бир даромад келтирувчи мулкнинг самарадорлиги, яъни 1 сўм даромад келтирувчи мулкнинг кийматига тўғри келадиган оила хўжалиги даромади (фойдаси) микдори (Фм) киради. Ушбу омилларнинг оила хўжалиги мулки умумий ҳажмининг кўпайишига ва шу орқали фаровонликнинг ошишига (Охм) таъсирини аниклаш ҳамда оила фаровонлигини ошириш имкониятларини ахтариб топиш учун куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия килинади:

$$\text{Охм} = \text{Оа} * \text{Мм} * \text{Ду} * \text{Фм}. \quad (1)$$

Ушбу формулага аник маълумотларни кўллаб ечганда шу айник бўлдикни, тахлил даврида тадқиқ қилинган оиласининг умумий даромади 119,7 минг сўмга кўпайган. Бунга бир канча омиллар таъсир килган. Ишда уларнинг таъсири аник маълумотлар асосида хисоб ўтгеб қынинди.

Омили таҳлил натижасида ўрганилаётган кўрсаткични яхшилашнинг ички имкониятларини аниқланди. Ушбу таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур оила хўжалигида даромадни ва шу орқали оила фаровошлигини оширишнинг ички имкониятлари мавжуд бўлган. Бу энг аввало, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган мулкнинг самарадорлигини ошириш лозимлигини кўрсатиб турибди. Агарда хисобот йилида ўтган йилга нисбатан оила хўжалигида даромад келтирувчи мулкнинг самарадорлик даражаси 1,41% бандга камаймаганда эди, оила даромадининг йиллик ҳажми яна 359,8 минг сўмга ошган бўлар эди. Факат ушбу омил таъсири билан хақиқий даромад 2010,5 минг сўм эмас, балки 2370,3 минг сўмни (2010,5+359,8) ташкил килган бўлар эди. У ҳолда оила хўжалиги йиллик даромадининг ижобий фарки, таъкидланганидек, 119,7 минг сўм эмас, балки 479,5 минг сўмни ташкил килган бўлур эди.

$$2370,3 - 1890,8 = + 479,5 \text{ минг сўм}$$

Даромаднинг ўсиш суръати эса 106,3% эмас ($2010,5 : 1890,8 \times 100$), балки 125,4% ни ташкил килган бўлур эди.

$$2370,3 : 1890,8 \times 100 = 125,4\%$$

Кўриниб турибдик, оила хўжалигининг даромадлари ва фаровошлигини оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш учун оила хўжаликларида ҳам иктисолид ишларни тақомиллаштириш мухим аҳамиятта эга экан.

Ишда сервис билан шугулашувчи оила хўжаликлари фаолияти ўрганилди. Чунки, ушбу соҳа иктисолиётимизнинг келажаги, иш билан таъминлашнинг асосий омили сифатида майдонга чиқмоқда. Ишда ёйлавий тадбиркорликнинг асосий кисми келажакда шу соҳа билан шугулланиши мумкинлиги асосланди.

Сервис билан шугулланадиган оила хўжаликлари фаолиятининг иктисолид мустаҳкамлигини, ракобатбардошлигини ва ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш ва таҳлил килиш усуллари биринчи марта ишлаб чиқилди ва оила хўжаликларининг сервиснинг кандай соҳаси билан шугулланиш маъқуллиги тўғрисида хuloscha чиқариш, тегишли бошқарув карорларини қабул килиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бунинг учун оила хўжалигида фойдалилик нуктасини (Φ_n) киймат ўлчовида аниклашни, бу эса ўзгарувчи (\bar{U}_{zg}) ва ўзгармас (\bar{U}_{zm}) ҳаражатлар микдоридан иборат эканлигини таъкидланиб, куйидаги формула тавсия килинди:

$$\Phi_n = \bar{U}_{zg} + \bar{U}_{zm}; \quad (2)$$

Оила хўжалигининг иктисолид мустаҳкамлигини (I_m) аниклаш учун эса барча тушумларни (Q) шу фойдалилик нуктасига (Φ_n) бўламиш:

$$I_m = Q / \Phi_n \quad (3)$$

Ушбу кўрсаткичнинг микдори 1 сўм фойдалилик нуктасининг канча тушум билан таъминланганлигини ифодалайди ва бирдан канча юкори бўлса оила хўжалиги иктисолид жихатдан шунча мустаҳкамлиги қайд этилди.

Оила хўжалигида молиявий мустаҳкамлик микдорини (M_m) аниклаш учун барча тушумдан (Q) фойдага эришишгача бўлган ҳаражатларни, яъни фойдалилик нуктасини (Φ_n) айриш кифоя:

$$Mm = Q - \Phi_n;$$

(4)

Оила хўжалигининг молиявий мустаҳкамлиги тўғрисида янада аникрок хулоса чиқариш учун молиявий мустаҳкамлигининг даражасини ҳам аниклаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткични аниклаш учун молиявий мустаҳкамлик микдорини барча тушумга бўлишин тавсия қиласиз.

$$Dmm = (Mm / Q) \cdot 100$$

(5)

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми оила хўжалиги барча харажатларини қоплагандан кейинги маблағнинг умумий тушумга нисбатан неча фоиз эканлигини ифодалайди.

Оила хўжалиги фаолиятининг ижтимоий самарадорлиги (Ижс) ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган соф фойда билан ўлчанишини асосланди. Ушбу кўрсаткични аниклаш учун оила хўжалигига эришилган барча соф фойда суммасини (Φ) оила аъзоларининг умумий сонига (Oc) бўлиш мумкин. Бу учун куйидаги формула тавсия қилинади:

$$Ijxs = \Phi / Oc$$

(6)

Бу ҳар бир оила аъзосига, канча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда даромадларнинг роли, уларнинг турлари, таснифи ва асосий манбаларини тадқик қилинди. Уларни иктиносидий мазмуни бўйича бешта гурухга бўлиш мақсадга мувофиқлиги асосланди: ёлланиб меҳнат қилиш йўли билан олинадиган даромад; тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромад; мулкни ишлатиш орқали олинадиган даромад; давлат томонидан оилаларга бериладиган ижтимоий тўловлар (трансферлар); ҳукукий ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайриялар, совғалар ва бошқа мурувватлар. Уларнинг иктиносидий мазмуни ва ҳар бир гурухга киравчи турлари назарий жиҳатдан асосланди.

Тадқикот жараёнида, иктиносидий таракқиётнинг ҳозирги босқичида, оила даромадининг таркиби турли эканлиги асосланди. Кўпчилик ўрта ҳол оилаларда ёлланиб меҳнат қилиш йўли билан олинадиган даромад (иш, ҳаки, мукофотлар ва бошқалар) умумий даромаднинг анча кисмини ташкил қилаётганлиги, юқори даражада таъминланган оилаларда асосий даромаднинг манбай тадбиркорлик йўли билан олинган даромадларни, кам таъминланган оила хўжаликлари даромадлари таркибида давлат трансферларининг улуши катталигини кўрсатди.

Келажакда оила хўжалиги фаровошлигини оширишнинг асосий ташкилий-иктиносидий омиларидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва мулкни ишлатиш эвазига эришиш лозимлиги асосланди.

Тадқикот давомида оила хўжаликлари даромадларининг таркиби ўзгариши бозор муносабатларининг шаклланаётганлигини ўзида ифода эттаётганлиги, уларнинг таркибида тадбиркорлик ва мулкни ишлатишдан олинаётган даромадларнинг ҳиссаси ошиб бораётганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

Кузатилган оила хўжалиги даромаднинг турлари бўйича 2000-2006 йиллардаги таркибий тузилиши¹³

№	Даромадлар-нинг турлари	2000 йил		2005 йил		2006 йил		Фарки, улушида, %	
		Сумма-си, минг сўм	Улу-ши, %	Сумма-си, минг сўм	Улу-ши, %	Сумма-си, минг сўм	Улу-ши, %	2000 йилга нисба-тан	2005 йилга нисба-тан
1.	Мехнат ҳақи тарзида олинган даромад	541,7	35,2	1932,6	34,2	2242,1	32,4	-2,8	-1,8
2.	Тадбиркорлик йўли билан олинган даромад	259,7	16,9	1727,1	30,6	2611,3	37,7	+20,8	+7,1
3.	Мулкни ишлатиш орқали олинган даромад	183,9	11,9	1297,9	23,0	1572,7	22,7	+10,8	-0,3
4.	Давлат томонидан оиласаларга бериладиган ижтимоий тўловлар	373,2	24,2	209,0	3,7	385,3	5,6	-18,6	+1,9
5.	Хукукий ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайриялар, совгалар ва муруватлар	182,4	11,8	482,5	8,5	109,2	1,6	-10,2	-6,9
Жами даромадлар		1540,9	100,0	5649,1	100,0	6920,1	100,0	0	0

Кузатилган оила хўжалигига 2000 йилда оила даромаднинг асосий кисмини, яъни 35,2% ни меҳнат ҳақи тарзида олинган даромад ташкил қилган. Бу кўрсаткичнинг микдори 2005 йилда 34,2%гача камайган бўлса, 2006 йилда 32,4%ни ташкил қилган. Келажакда ҳам бу кўрсаткичнинг улуши аста-секинлик билан камайиш тенденциясига эга бўлади. Чунки ойлик маош қанчалик ошиб боришидан катъий назар, келажакда оила хўжаликлари даромадлари таркибида тадбиркорликни ривожлантириш ва мулкни ишлатиш йўли билан олинадиган даромадларнинг хиссаси ошиб боради. Чунки оила фаровонлигини таъминлашда асосий ролни шулардан олинган даромадлар ташкил қилади.

¹³ Манба: тадқиқ қилинган оила хўжалиги матбуотлари бўйича муаллифнинг ҳисобкитоби.

Изоҳ: Ушбу келтирилган ҳар бир гурӯҳга ирадиган кўрсаткачлар диссертацияда батоғиси келтирилган.

Даромадлар таркибидаги давлат томонидан бериладиган ижтимоий түловлар улуши кескин камайган. 2000 йилда 24,2% дан 2006 йилга келиб 5,6% гача кискарган. Уларнинг улуши оила хўжалиги умумий даромадида астасекинлик билан камайиб бормокда. Бу жараён давлатнинг оиласларга берадиган трансферларининг камайиши эвазига эмас, балки оиласи хўжалиниларининг бошқа даромадлари ошиб бориши эвазига амалга оширилади.

Тадбиркорлик йўли билан олинган даромаднинг улуши мамлакатимиз миқёсида ўрта хисобда 25% дан ошган бир пайтда; мазкур оиласи унинг улуши 2000 йилда 16,9% ни ташкил килган. Унинг мидори 2005 йилда 30,6% га етган бўлса, 2006 йилга келиб 37,7% гача ошган. Агар жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, келажакда Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромаднинг улуши оила хўжалиги даромади таркибидаги астасекинлик билан ўсиб боради.

Ўз анъаналаримиз ва қадриятларимизда инсонлар бир-бирига совға килиш, муруват кўрсатиш, ҳашар йўли билан бир-бирига беғараз ёрдам беришдек хайрли удумларимиз бор. Бу бўйича оила хўжалиги даромаднинг улуши 2000 йилда 11,8% ни ташкил килган. 2005 йилга келиб 8,5% га тушган. 2006 йилда унинг улуши яна тушиб кетган ва 1,6%ни ташкил килган. Даромаднинг бу мањбаида ўзгаришлар содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки, бир йилда ҳашар йўли билан уй-жойларини таъминалаб олса, иккинчи йилда, бундай хизмат бўлмаслиги ҳам мумкин ва ҳ.к.

Мулкни ишлатиш йўли билан олинадиган даромаднинг мидори ҳам доимий тарзда ошиб бормокда. Унинг улуши 2000 йилда 11,9%ни ташкил килган бўлса, 2005 йилда 23,0% гача кўтарилиган. 2006 йилда эса мазкур кўрсаткичнинг мидори 22,7%ни ташкил килган. Келажакда бунинг улуши янада ошиб боради. Бу ҳам тадбиркорликнинг муҳим ўзига хос йўналиши бўлганлиги туфайли уни алоҳида хисобга олиб бориш лозим, деб ўйлаймиз.

Оила хўжаликлиари даромадларининг табақаланиши алоҳида ўрганилди. Унда кишлоқ билан шахар ўртасидаги тафовут; оила аъзоларининг сони билан боғлиқ тафовут, оиласи тадбиркорлик билан шугулланганлар билан факат ёлланма меҳнат эвазига оладиган даромадларига таянганлар ўртасидаги тафовутлар борлиги аниқ мисолларда кўрсатилиб берилди. Оила хўжаликлирида фаровонликни ошибриш учун ҳам ҳар бир оиласи тадбиркорликнинг тафовутларини камайтириш учун ҳам ҳар бир оиласи тадбиркорликнинг ривожлантириш ва ортиқча мулкни имкон қадар ишлатиш лозимлиги асосланди.

Ишда оила хўжалиги даромадлари динамикасини қиёслаш учун келтириш коэффициентини (K_k) қўллаш лозимлиги асосланди:

$$K_k = 1 + (\Delta Ix \% : 100) \quad (7)$$

Бунда $\Delta Ix \%$ – иш ҳакининг неча фойизга ошганлиги.

Ушбу коэффициент аниқ бўлгач, ўтган давр иш ҳаки мидорини ($Ix_{уд}$) шу коэффициентта (K_k) кўпайтириб ҳозирги давр билан таққосланадиган даромад мидори (D_m) аникланади:

$$D_m = Ix_{уд} * K_k; \text{ ёки } D_m = Ix_{уд} * \{1 + (\Delta Ix \% : 100)\}. \quad (8)$$

Бу иқтисодий иш ҳар бир оиласда даромадларнинг ҳақиқий миқдорини аниглаш, оила хўжаликлари даромадларини киёсланадиган ҳолатта кептириш имконини беради. Энг муҳими, оила хўжаликлари даромадларини ҳисоблашда инфляция даражаси ҳам инобатта олинади.

Оила хўжаликлари фаровонлигини оширишда рентабеллик кўрсаткичларининг аҳамияти караб чиқилди. Уларни аниглаш ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўллари ҳам илк бор ишлаб чиқилди ва уларни ечиш усувлари аниқ маълумотларни кўллаган ҳолда кўрсатиб берилди.

Оила хўжалиги харажатларида таркиби ўзгаришларга эришиш оркали фаровонликни ошириш йўлларини таддик қилиш, оила хўжалиги харажатларининг таркиби тузилиши ва уни мукаммаллаштириш йўлларини ўрганиш, оила хўжалигининг умумий харажатлари ва таркиби тузилишини оптималлаштириш оркали фаровонликни ошириш йўлларини ишлаб чикиш, фаровонликни оширишнинг ташкилий-иктисодий омиллари таркибига кирувчи бошқа омилларни ҳам караб чикиш бир қанча илмий-назарий хуносаларни қилиш ва амалий тавсияларни ишлаб чикиш имкониятларини берди.

Иқтисодий адабиётларда оила хўжалиги харажатларида таркиби ўзгаришларга эришиш оркали фаровонликни ошириш йўллари деярти таддик қилинмаган. Оила хўжалиги харажатларининг таркиби тузилиши ва уни мукаммаллаштириш йўллари умуман ишлаб чикилмаган, унинг умумий харажатлари ва харажатларнинг таркиби тузилишини оптималлаштириш оркали фаровонликни ошириш йўллари, оила хўжалиги даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш унинг фаровонликни ошириш омили эканлиги ҳам жуда кам ёритилган. Аммо оила хўжалиги фаровонлигини факат даромадларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки харажатларни мақсадга мувофиқ сарфлаш ва тежаш оркали ҳам эришиш мумкинлигини асослаш, бозор муносабатлари шароитида мухим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик масалалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Оила хўжалиги харажатларининг таркиби тузилиши унинг фаровонлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Шу туфайли унинг фаровонлик масаласи кўтаришганда, оила хўжалиги харажатлари таркибини албатта кўриб чикиш, уни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тахлил қилиш обьектив зарурият эканлиги асосланди (2-жадвал).

Жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда аҳоли пул даромадларининг асосий қисми маҳсулотларни уйда истеъмол қилиш учун сотиб олишга кетган истеъмол харажатларига сарф қилимокда. 2000 йилда ана шундай харажатларга жами харажатларнинг 67,6% сарф қилинган бўлса, унинг улуши аста-секинлик билан пасайиш тенденциясига эгалигини кўриш мумкин ва ушбу кўрсаткичининг микдори 2006 йилда 53,7%гача камайди. Истеъмол харажатларининг таркиби ҳам турлича. Уларнинг асосий қисми олдинлари нон ва нон маҳсулотларини харид қилишга сарф қилинган бўлса, эндиликда таркиби ўзгаришлар рўй бермокда. Шу тахлил қилинган даврда унинг улуши ҳам қисқариш тенденциясига эга бўлган. 2000 йилда Ушбу кўрсаткичининг микдори 26,6%ни ташкил қилган бўлса, 2006 йилга келиб 16,3%гача камайган. Аҳоли фаровонлигининг ошганлигидан битта далолат истеъмол харажатлари

Ўзбекистоннинг уй хўжаликларида истеъмол харажатлари (ИХ) нийг
2000-2006 йилларда таркибий ўзгариши¹⁴ (уй хўжаликларини танлаб кузатиш
натижасида олинган материаллар; жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

№	ИХ турлари	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1.	ИХ – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1.1.	Махсулотларни уйда истеъмол қилиш учун сотиб олишга кетган ИХ	67,6	61,0	60,5	57,5	58,1	54,5	53,7
	Булардан							
1.1.1.	Нон ва нон махсулотлари	26,6	21,8	20,8	16,6	18,0	17,8	16,3
1.1.2.	Картошка, сабзавотлар, полиз экинлари ва мевалар	9,1	9,8	8,9	9,0	7,7	8,3	9,4
1.1.3	Гўшт ва гўшт махсулотлари	12,1	11,2	12,2	12,6	13,3	12,0	12,5
1.1.4	Сут ва сут маҳсулот- лари ва тухум	4,1	3,5	3,8	3,9	4,0	3,7	3,6
1.1.5	Ўсимлик ёғи ва бошка ёғлар	7,3	8,1	7,9	8,0	8,0	6,2	5,1
1.1.6.	Шакар ва бошка қандо- лат маҳсулотлари	4,9	4,3	4,7	4,8	4,7	4,3	4,8
1.1.7.	Бошка озиқ-овқат махсулотлари	3,5	2,3	2,2	2,6	2,4	2,2	2,0
1.2.	Уйдан ташкарида овқатланишга кетган харажатлар	1,6	3,6	3,2	4,1	3,6	3,2	3,2
1.3.	Алкоголли ичимлик- ларни сотиб олишга кетган ИХ	1,2	0,6	0,6	0,7	0,5	0,5	0,4
1.4.	Ноозиқ-овқатларни харид қилишга кетган ИХ	19,3	23,0	22,7	23,1	22,4	25,7	26,6
1.5.	Хизматлар учун тўлашга кетган харажатлар	10,3	11,8	13,0	14,6	15,4	16,1	16,1

¹⁴ Манба: Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2000. Статистический сборник. Т.: 2001.-52 бет., Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004. Статистический сборник. Т.: 2005.-72 бет. 2005-2006 йил мальумотлари Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2006. Статистический сборник. Т.: 2007.-71 бет.

таркибida ноозик-овқатларини харид қилишга кетган истеъмол харажатларининг кўпайишидир. Ушбу харажатлар таркиби 2000 йилда 19,3%га тeng бўлган бўлса, 2006 йилда 26,6%гача ошиди. Тадқик қилинган оиласарда ноозик-овқатларни харид қилишга ва хизматларга кетган харажатлар улуши кўпайиш тенденциясига эгалиги (хизматларга кетган харажатлар улуши 2000 йилда 10,3%ни, 2006 йилда ўса, 16,1%ни ташкил қилган), оиласарнинг даромадлари озик-овқат маҳсулотларини харид қилишдан ортиб ноозик-овқат ва турли хизматлардан фойдаланаётганликларидан ҳамда мамлакатимиизда оиласарнинг моддий фаровонлигининг бирмунча ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Тадқикотлар кўрсатдики, ҳамон оила хўжалиги харажатларининг таркиби бўйича олимларимиз ҳам, амалиётчиларимиз ҳам бир тўхтамга келишмаган. Ушбу масалани назарий жиҳатдан тахлил қилиб, оила хўжаликлари харажатларини бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиши лозим, деган хulosага келинди. Ишда бугунги кун талабидан келтиб чиқиб оила хўжаликлари харажатларини бир канча белгилари бўйича таснифлаш лозимлиги асосланди. Уларни иктисадий мазмуни бўйича илк бор учта йирик гурухга бўлиш мумкинилиги илмий-назарий жиҳатдан асосланди:

- ишлаб чиқариш харажатлари, яъни оила хўжалигига даромад келтирувчи харажатлар;
- муомала харажатлари, бу ҳам даромад келтиради;
- истеъмол харажатлари, яъни даромад келтирмайдиган, қайтмайдиган харажатлар. Бу харажатлар иш кучини такрор ишлаб чиқаришга сарфланади, лекин жорий йилда бевосита даромад келтирмайдиган харажатлардир.

Оила хўжалиги харажатларини даромад келтириши ёки келтирмаслиги нуткай назаридан икки гурухга бўлиш лозим деган хulosага келдик. Буларнинг биринчиси, оила хўжалигига даромад келтиришга мўлжалланган харажатлар ва иккинчиси, оила хўжалигига даромад келтирмайдиган харажатлардир. Имкон қадар харажатлардан ҳам оила фаровонлигини ошириш учун уни яхшигина даромад келтирадиган жараёнларга (тадбиркорлик, инвестиция каби) сарфлаш максадга мувофиқидир.

Назарий ва амалий тадқикотлар кўрсатдики, агарда оила хўжалиги харажатлари таркибida озик-овқатларга сарфланган харажатлар 50 фонздан кўп бўлса, уларнинг даромади канча ўсганлигидан катъий назар, ушбу оиласарнинг фаровонлигини яхши деб баҳолаб бўлмайли. Чунки унинг даромадининг асосий кисми фақат озик-овқатлардан ортмаёттанлигидан далолат беради. Оила хўжаликларида бундай тахлини харажатларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳам амалга ошириш лозим. Бунинг учун тахлини икки йўналишда олиб бориш лозимлиги асосланди: харажатларнинг умумий ҳажми бўйича; харажатларнинг таркибий тузилиши бўйича. Оила хўжаликлари харажатларининг умумий ҳажми бўйича тахлил қилинганда унинг микдоридаги ўзгаришлар, ўсиш суръати ва уларнинг даромадга нисбатан улуши каби кўрсаткичлар ўрганилиши, оила хўжаликлари харажатларининг таркибий тузилиши таҳлил

қилинганды эса харажатлар моддаларининг ва улар улушларининг ҳолати ҳамда ўзгариши тадқик қилинади.

Тадқикотлар шуни кўрсатмоқдаки, оилалар сони қанча катта бўлиб боргани сайн битта оиласа тўғри келадиган харажатлар ҳам ўсиб боради. Аммо ҳақиқий ахволни билиш учун битта оила аъзосига тўғри келадиган ўртacha харажатлар миқдорини ўрганишни тақозо қилади. Бу кўрсаткичнинг миқдори биз таҳлил килаётган оила хўжаликларида мунтазам равишда камайиб борган. Масалан, 2006 йилда тадқик қилинган оилаларда 2 кишилик оиласа бир кишига тўғри келадиган бир йиллик харажатларнинг миқдори 2420,7 минг сўмни ташкил қилган бир пайтда, оила аъзоларининг сони 11 ва ундан кўп бўлган оилаларда ҳар бир оила аъзосига ўртacha харажатлар миқдори 667,4 минг сўмни ёки унга нисбатан этиги 27,5%ни ташкил қилганлигини кўрдик. Кам сонли оилаларда харажатларнинг кўп сонли оилаларга нисбатан юқорилиги кўп ҳолларда уларнинг кўп истеъмол қилганлигидан эмас, балки оилаларнинг умумий харажатларининг кам кишилар ўртасида таксимланганлигига эканлиги асосланди.

Тадқикотлар кўрсатдики, оила хўжаликлари умумий харажатларидаги оила аъзолари сонининг ортиши билан оила хўжаликларини озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга қаратилган харажатлар улуши ортиб борар экан. Агар оила аъзолари сони 2 киши бўлган оила хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлар барча харажатларнинг 14,2% ни ташкил этган бўлса, оила аъзолари сони 11 киши ва ундан юкори бўлган оила хўжаликларида бу миқдор 78,4% ни ташкил қилган. Бундан яна бир кизик манзарани кузатиш мумкин. Хусусан, оила аъзоларининг сонининг ўсиб бориши билан жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлари ҳам ўсиб бориши тенденциясига эга бўлган. Оилада одамлар сони қанча кўпайиб борса шунга мос равишда озиқ-овқатларга кетадиган харажатларнинг нафақат улуши, балки, миқдори ҳам ошиб борар экан. Бу миллий оилаларимизда одамлар сони қанча кўп бўлса, шунга мос равишда озиқ-овқатларни истеъмол килишга кетадиган харажатлари ҳам кўп бўлишидан далолат бермокда.

Ишда оила хўжалиги даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш йўллари ва шу орқали фаровонликка эришиш мумкинлиги ҳамда унинг фойда олишига эришиши учун харажатлар билан даромадлар ўртасидаги ўзгариш тенденциялари, уларнинг бир бирига боғликлиги ҳам атрофлича тадқик қилинган. Булар асосида фаровонликни харажатларни тартибга солиши йўли билан ҳам ошириш мумкинлиги асосланган.

Кўриниб турибдики, оила хўжалиги фаровонлигини оширишга факат мулкни ишлатиш, тадбиркорликни йўлга кўйиш, даромадларни кўпайтириш кабилалар билан эмас, балки харажатларни ҳам тартибга солиши йўллари билан ҳам эришиш мумкин эканлиги исботланди.

Хозирги пайтда оилаларнинг фаровонлигига баҳо бериш учун унинг кам таъминланганлик даражасини ҳам билишни тақозо қилади. Бу оилаларнинг камбағаллик чегарасини аниқлаб олиш заруратини тутғидиради. Бунинг учун жаҳон амалиётида кўлланилиб қелинаётган камбағаллик даражаси

кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. Буни ифодалаш ва унинг микдорини ўлчаш учун камбағаллик чегарасининг ягона кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу бир кишининг харид кобилияти паритети кунига 1 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак. Агар ушбу кўрсаткичидан фойдаланилса оила хўжаликларида камбағаллик даражасини яна: ўта мухтоҳ, мухтоҳ, ночор ва кам таъминланган оила хўжаликларига бўлиш мумкин. Камбағаллик чегараси оила эҳтиёжини мийнамал микдорда кондириш холати билан белгиланади. Буни аниқлаш учун оила бошлигининг бир ойлик минимал харажати хисобланиб чиқилиши, колганлари эса шунга табақалангандар тарзда маълум коэффициентларда ифодаланиши кўрсатиб берилган.

Мамлакатимизда оила хўжаликлари фаровонлигини оширишда муҳим ташкилий-иктисодий омиллардан бири дехкон хўжаликлари, фермерчилик ва касаначиликни ривожлантириш эканлиги асосланди.

Дехкон хўжаликлари кишлекда бозор муносабатларига мос равиша бозорнинг ўзгаришига тез мослаша оладиган, эгилувчан, жуда кўп инвестиция талаб кўймайдиган ва эркин ракобат шароитида синиб кетавермайдиган кичик оиласиб бизнесга асосланган хусусий тадбиркорликнинг асосий турларидан биридир. Ҳозирги пайтда уларнинг улуши ишлаб чиқарилаётган кишлек хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини ташкил қилмоқда. Масалан, 2006 йилда барча ишлаб чиқарилган тухумнинг 60,1%ни, гўштнинг 94,7%ни, сутнинг 97,0%ни дехкон хўжаликларида ишлаб чиқарилган¹⁵. Бу тенденция келажакда ҳам сакланиб қолади. Шу туфайли дехкон хўжаликларининг ривожланишига мамлакатимиз Президенти ва Хукумати катта зътибор бериб кејмоқда. Унинг қонуний асослари яратилди ва мунтазам равиша такомиллаштирилмоқда.

Бирорта иктиносидий категориянинг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун унинг таърифини аник белгилаб олиш лозимлиги, бу бевосита дехкон хўжаликларига ҳам дахлдордир дейилган хulosага келинди. Булардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунида дехкон хўжалигига берилган таърифни такомиллаштириш лозимлиги асосланди ва унинг такомиллашган таърифи келтирилди. Бозор муносабатлари ва эркин иктиносидёт талабларидан келиб чиқиб дехкон хўжалигига куйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Дехкон хўжалиги деганда, оиласиб майда товар хўжалиги бўлиб, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлигига бериладиган томорқа ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати ва ёланма меҳнат асосида, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, кишлек хўжалиги маҳсулоти етиширадиган ва реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъект тушунилади. Ушбу таърифни инобатта олган ҳолда қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги ҳам асосланди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги статистик ахборотномаси. – Т.: Ўзбекистон давлат статистика Кўмитаси, 2007. - 29 б.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дехқон хўжаликлари бир қанча афзаликларга эга. Булар мазкур хўжаликларда етиштирилиб реализация қилинган маҳсулотларнинг улуши, қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар улусидан юкори эканлиги, қишлоқ хўжалигига давлат корхоналарининг бутунлай барҳам топган бир пайтида мамлакатимизнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини дехқон хўжаликлари таъминлаб турганлиги, асосий турдаги экин турларининг ҳосилдорлиги республикадаги ўргача кўрсаткичга нисбатан 1,3-1,5 марта юқорилиги, айрим дехқон хўжаликларида 2-3 марта кўпроқ ҳосилдорликка эришилаётганлигидадир. Бундай ҳосилдорликнинг ортиб боришига дехқон хўжаликлари эгаларининг мулкка, ерга ва етиштирган маҳсулотига эгалик хисси ва ишончининг ошиб бориши ва шу асосда меҳнатта бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги сабаб бўлмоқда. Пировардида дехқон хўжаликлари қанча иқтисодий жиҳатдан кучли бўлса, уни ташкил килган оила хўжаликлари шунча юкори фаровонликка эришиши кўрсатиб берилди.

Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ҳажми республиканинг турли регионларида ер, сув, табиий иқлим шароитларидан келиб чиқкан ҳолда бир-биридан анча фарқ қилиши кўрсатиб ўтилди. Аммо қишлокларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нес-нобуд килмай сотиш масаласи муаммолигича колмокда. Буларни ҳал қилиш учун қишлокларда шахсий тадбиркорлик асосида дехқон хўжаликлари маҳсулотларини харид киласиган ва уларга тегишли моддий-техника асосларини етказиб берадиган тайёрлов идораларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги таклиф килинди. Унга давлат томонидан чекланмаган миқдорда имтиёзли кредитларни бериш лозимлиги, бундай тадбирлардан нафакат тадбиркорлар, балки бутун жамият фойда кўриши мумкинлиги асосланди.

Кейинги йилларда оила хўжаликларининг дехқон хўжаликларини ташкил килишдан олаётган маҳсулотлари ва даромадларининг ортиб бораётганлигига катор омилларнинг, хусусан, республикада дехқон хўжаликларини ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсати; дехқон хўжаликларида ерга эгалик хиссининг уйғонганлиги; ахолида тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш имкониятларининг пайдо бўлиб, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўплаб таъсирчан тадбирларни қўлланилаётганлиги; дехқон хўжаликларини ривожлантиришнинг хуқукий асосларининг яратилганлиги; дехқон хўжаликлари маҳсулотларини бозорларда сотиш учун имкониятларнинг кенг очиб берилганлиги каби ташкилий-иктисодий омилларнинг таъсири кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқотларда мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини ривожлантиришнинг оила хўжалиги фаровонлигига таъсири ҳам қараб чиқилди. Ушбу соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли сифатида етарли даражада моддий-техника базасига эга бўлган йириқ фермер хўжаликларининг “Оталикка олиш” тамойилида иш кўриши мақсадга мувофиқлиги асосланди. Бунинг тегишли хуқукий асосларини яратиш ҳам бугунги кунда мухим муаммолардан бири эканлиги эътироф этилди. Оталик

қылган ва оталикка олинган фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси шу худудда жойлашган фермер хўжаликлари кўрсаткичларига нисбатан 8-10 фоиз юкорилиги аникланди. Бундай фермер хўжаликлари билан боғлик бўлган оиласарнинг ҳам моддий фаровонлиги оцади, кишлокда мулкдорлик хиссининг шакланишида реал имкониятлар пайдо бўлади. Айникса, ҳамкорлик ва ҳамжоҳатлик билан иш кўриш кўнижаси хосил бўлади. Бундай жарабён астасекинлик билан ҳаёттий заруритдан келиб чиккан ҳолда, ўзаро фермерлар кооперациясини тузиш учун моддий замин яратиш имкониятини беради. Бундай тузилмалар ҳозирги фермерлар уюшмасига нисбатан анча афзалликларга эга бўлади, чунки, улар ҳамма шароитларини хисобга олган ҳолда ўз ихтиёрлари билан уюшадилар.

Фермер хўжаликлари фаолиятини тacomиллаштириш орқали оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш учун уларда иктиносидий ишларни йўлга кўйиш масаласи ҳам муҳим муаммолардан бири сифатида қаралди. Буни инобатта олиб фермерчилик ва дехқончиликка асосланган оила хўжалигига «Оила хўжалигига бухгалтерия хисоби»ни яратиш ва уни амалиётда кўллаш лозимлиги асосланди. Бунинг услубий асосини яратиш бухгалтерия хисоби ва аудит билан шуғулланувчи олимлар вазифасига киради. Мазкур тадбир фақат оила хўжаликларининг мулки, даромади ва ҳаражатларини хисобга олиш билан чекланиб қолмасдан, балки оиласар тўлайдиган соликларнинг ҳам тўғри хисобланишини таъминлайди. Уларнинг бухгалтерия хисоби ҳар йи.т охирида солик идораларига топшириладиган оила хўжалигининг бутун даромадлари деклорациясини тузиш билан якунланади. Бундаги кўрсатилган маълумотларнинг аник хисоб-китобга таяниши жамият мулкининг реал кийматини аниқлаш имконини ҳам беради. Оила хўжалигига иктиносидий ишларни тacomиллаштириш учун ҳали кўп назарий ва услубий муаммоларни ҳал килиш, булардан бири оила хўжалиги фаолиятини таҳлил килиш усулини жорий килиш лозимлигидир. Бу масала ҳам ҳали ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар сирасига киради.

Фермерликка асосланган оила хўжалиги фаолиятини хисобга олиш, баҳолаш ва таҳлил килиш учун куйидаги кўрсаткичларни тавсия қилинди: оила хўжалиги даромадларининг умумий ҳажми; даромадларнинг алоҳида таркиби; ҳаражатларнинг умумий ҳажми; ҳаражатларнинг алоҳида таркиби; оила хўжалигининг умумий мулки; оила хўжалигининг соғ даромади; оила хўжалиги тўлайдиган соликлар объекти; соликларнинг умумий суммаси ва алоҳида турларининг микдори. Оила хўжалигига бухгалтерия хисоби ва иктиносидий таҳлилни жорий килиш учун энг аввало, ушбу кўрсаткичларга таяниш, ҳар бир кўрсаткич бўйича хисоб олиб бориш, хисоботда уларнинг умумий суммасини ифода этиш ва ниҳоят, мазкур хисоботларга асосан, оила хўжалиги фаолиятини таҳлил қилиш методологияси ишлаб чиқилмоғи лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Касаначилик оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг яна бир ташкилий-иктиносидий омилларидандир. Бу фаолият мамлакат иктиносидёти ва юкимой ҳаётига илк бор расман кириб келганлиги учун уларнинг мазмунини очиб бериш лозим деган хulosага келинди. Бизнинг фикримизча, касаначи

деганда, ўз уйида бирорга маҳсулотни тайёрлаб берувчи 16 ёшдан, агарда касаначи билан корхона ўргасидаги муносабатлар моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлса 18 ёш ва ундан кепта ёшдаги жисмоний шахс тушунилади. Касаначилик деганда эса, иш беруучининг буюртмасига асосан шартнома асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни ўзининг уй хўжалигига ташкил килиш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Касаначилик касаначи билан иш берувчи ўргасидаги муносабатга асосланади. Иш берувчи деганда, касаначи билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначи учун ишлаб чиқариш биносини белгилайдиган, уни асбоб-ускуналар, жихозлар, материаллар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва бошка ишлаб чиқариш воситалари билан тъминлайдиган, бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва унга ҳақ тўлайдиган юридик шахс тушунилади.

Тадқиқотлар давомида касаначиликни ривожлантириш оила хўжаликларига канча даромад келтириш мумкинлигини хисоблаш йўллари ишлаб чиқилди ва уни Каттақўргон тумани мисолида амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди. Амалга оширилган хисоб-китоб маълумотлари кўрсатдикси, биргина Каттақўргон туманида касаначиликдан олинадиган оила хўжаликларининг умумий даромади 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигига 10568,0 минг сўмга ошган. Бу ўзгариш иккита омил эвазига содир бўлган. Биринчидан, касаначилар сонининг шу даврда режага нисбатан 48 кишига ошганлиги туман оиласарнга кўшимча, 5006,4 минг сўм даромад келтирган ($73427,2 - 58420,8 = +5006,4$ минг сўм). Иккинчидан, битта касаначига тўғри келадиган ўртacha даромад режага нисбатан 7,9 минг сўмга кўп бўлганлиги туман оиласа хўжаликлари даромадини 5561,6 минг сўмга оширган ($78988,8 - 73427,2 = +5561,6$ минг сўм). Шу омилларнинг умумий таъсири 10568,0 минг сўмни ташкил килган ($5006,4 + 5561,6 = +10568,0$ минг сўм). Тадқиқотлар кўрсатдикси, касаначиликни ривожлантириш оила хўжаликларига катта даромад келтирадиган ва фаровонлигини оширадиган омиллардан бири экан. Биз ушбу масалани биргина туман мисолида кўриб чиқдик. Агарда у мамлакат миқёсида амалга оширилса оиласаримизнинг канча даромад қилингандигини хисоблаш кийин эмас.

Тадқикотлар натижасида оила хўжаликлари тадбиркорлигига мос келадиган бугунги кунда амалдаги якка тадбиркорликка нисбатан касаначиликнинг анча қулајилкларга эга эканлиги асосланди ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари саккизта бандда аниқ кўрсатиб берилди. Шунингдек, касаначиликни ташкил қилган корхоналарга ва касаначилик билан шуғулланадиган аҳолига бир қанча имтиёзлар берилганлиги аникланди ва уларнинг турлари ҳам бешта бандда ўз аксини топди.

Мамлакатимизда сервисни ривожлантиришнинг қонуний асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенги И.А.Каримов 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти карорига ва 2007 йил 23 майда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши

жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига имзо чекдилар. Мазкур қарорларда қайд этилишича, 2010 йилга бориб хизмателарнинг ялпи йўчки максулотдаги улушини 49%га етказиш кўзда тутилган. Шундай ўси суръати мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича ҳам ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар кўрсатдики, сервис соҳасининг ривожланиши оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлик.

3. ХУЛОСА

Бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий омиллари ва сервисни ривожлантиришга доир муаммоларни тадқиқ килиш жараённида куйидаги хulosаларга келинди ва назарий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

